

РУСТАМ ЖАББОРОВ

# ВИЖДОН

*ҲИКОЯЛАР*

Тошкент  
«Янги аср авлоди»  
2009

Ҳурматли ўқувчи! Қўлингиздаги ушбу китоб билан сиз асло зерикмайсиз. У турли-туман ҳикояларни қамраб олган. Мутолаа асносида турфа воқеаларга дуч келасиз, қаҳрамонларнинг ўзига хос феъл-атвориға гувоҳ бўласиз. Кутилган-кутилмаган ҳодисалар сизни ўйлашға, чуқур фикр-мулоҳаза юритишға ундайди. Китобни ўқиб бўлгандан сўнг ҳам узоқ вақт унинг таъсирида юрасиз. Зотан, Рустам Жабборов ҳикояларининг кучи, жозибаси ҳам ана шунда.

ISBN 978-9943-08-529-9

© Рустам Жабборов «Виждон». «Янги аср авлоди», 2009 йил.

## ИЖОД МАШАҚҚАТИ ВА ЗАВҚИ

Ижод завқи деган гап бор. У қаламкашга битмас-туганмас қувонч, роҳат бахш этади. Асари чоп этилган ижодкор ўзгача ҳислар қуршовида бўлади. У кўнглидагиларни бошқалар билан бўлишгиси, дилидаги сирлар ила кенгашиги келади. Бунга қадар эса не-не кечалардаги бедорлик, субҳи тонггача ухламай заҳмат чекиш — ўз ўқувчиларини кутиб ётган қисса, ҳикоя, бадиҳа ва бошқа инжуларни етказиш каби машаққатли меҳнат билан андармон бўлади. У шунга мажбур, унинг бурчи, қисмати, қўйингики, толеси шу!

Ижодкорнинг қўли қаламни тутиши, қўзлари эса ўзи ёзаётганларига тикилиши билан иш битса қани эди! У онг-тафаккури, ўй-хаёлларини ҳам ишга солиши, оний лаҳзаларда келадиган илҳом аталмиш сеҳрли кучнинг ташрифидан фойдаланмоғи жоиз. Бу эса осон эмас. Ўй-хаёлларни сиқиб чиқариш, фикрни «исканжа»га олиш, шу асосда ёзиш, ёзиш, ёзиш талаб этилади. Асар қаҳрамонлари билан бирга қувониш, севиш, ўрни келса, изтироб чекиш, воқеалар гирдобида сузиш — буларнинг ўзи бўлмайди, албатта. Муаллиф юрагининг туб-тубидан бари-барини ўйлайди, ҳис қилади. Шунинг учун ҳаётни, одамларни ўрганайди. Кейин қўлига қалам олади. Китобхон оқшомлари ширин уйқуда бўлган вақтда ҳам ижодкор ана шу «машғулот» билан банд бўлади.

Дарвоқе, ёзиш билан ёзишнинг фарқи бор. Оширмай-тоширмай айтаман: Рустам Жабборов зўр ёзади. Акс ҳолда матбуот нашрлари унинг асарларини талашиб-тортишмаган, унга қайта-қайта илтимос қилиб, янги-янги қисса, ҳикоялар буюртма қилмаган бўларди. Рустамнинг асарлари зўр эканки, мана шу китоби чоп

этилди. Унинг ижод маҳсули бениҳоялиги, бетакрорлиги, турли воқеа-ҳодисаларга бойлиги, қаҳрамонларининг хилма-хиллиги, улар ҳаётининг кенг қамровлиги билан ҳам ўзига хос. Ўқувчини воқеалар тизимининг кутилмаган ўзанга юз буриши, турли кечмиш-кечирмиш, зиддият ўзига жалб этади. Китобхон асар қаҳрамонлари билан бирга нафас олишга, бирга юриш-туришга, бирга яшашга маҳкум бўлади. Муҳими, Рустам Жабборов ҳикояларида гоя юксак, мақсад улуг. Буни Ҳақбердининг тантилиги, Тошпўлат Турсуннинг олижаноблиги, Менгли тажангнинг меҳмондўстлиги, Зулайҳонинг қатъиятлиги, мардонаворлиги, шунингдек, бошқа-бошқа қаҳрамонларнинг турли фазилат-сифатларида яққол кўрамыз.

Мен Рустамнинг ҳикояларини ўқиб, унинг ўзини-да бошқача «кашф» этдим. У бор дунёси, олами билан намоён бўлди. Менга қолса, Рустам Жабборовнинг ҳикояларини мароқли ҳикоялар деб атаган бўлардим. Ажойиб ҳикоялар ёзгани учун ҳам Рустамга ҳавас қилиш керак. Бу гап, айниқса, унинг тенгдошларига тегишли.

Шунисидан хурсандмандки, Рустам ҳали ёш. Алҳол, унинг бисотида нафақат битта, балки тўрт-бешта китобга етгулик «ҳазина»си бор. Демак, Рустамнинг қўлингиздаги «Виждон» китобига эргашиб ҳали бошқа китоблари ҳам нашр этилади. Унинг ўзи эса янада тиним билмай ижод қилади, янги-янги ҳикоялар, катта-катта асарлар битади.

Рустамга ижодий ишлари яна равнақ топиши йўлида туганмас куч-ғайрат, шижоат, ўз олдига қўйган мақсади сари ҳамиша дадил одимлашини тилаб қоламан.

*Анвар НАМОЗОВ,  
«Янги аср авлоди» нашриёт-матбаа  
маркази бош муҳаррири*

## ЎЗБЕКНИНГ ҒУРУРИ

Ҳақберди шаҳардан туманга қатнайдиган таксилар қўналғасида узоқ туриб қолди. Соат тунги ўн бирга яқинлашиб қолган, қатнов ҳам анча сийраклашган эди. Ҳақберди бошини рул чамбарагига қўйганча, жиндек тин олмоқчи бўлди.

— Тур, ўв галварс, уйингга бориб ухлайсан.

Ҳақберди чўчиб кўзини очди. Машина ёнида курсдошлари Жалил билан Икром турарди.

— Ҳа, бевақти соат шаҳарда нима қип юрибсанлар? — деди улар билан қўл бериб сўрашаркан Ҳақберди.

— Хурсандчилик-да, ошна, — жавоб берди Жалил олд ўриндиққа жойлашаркан. Саводимиз ўтмаслашган чоғи, малака оширишга жўнатишганди. Бугунги семинар кечгача давом этди. Институт ётоқхонасида қолгандан кўра ўз уйингга борганинг яхши-да! Қайтыпмиз.

Жалил билан Икром мактабда муаллимлик қилишади. Ҳақберди ҳам узоқ йиллар ўқитувчиликнинг нонини еган. Ойликнинг мазаси қочгач, «аренда»га машина олиб, киракашлик қилишга ўтганди. Ҳар қалай рўзғори бир нави ўтиб турибди.

— Қани, ҳайда энди аравангни, — деди орқада ястаниб олган Икром.

— Шошма, яна бир-иккитаси чиқиб қолар, — умидсизлик билан атрофга олазарак боқди Ҳақберди.

— Тўғри айтасан, — унинг елкасига шапатилади Жалил. — Барибир биздан пул олмайсан, бизам бермаймиз. Бирорта бегонароғи чиқиб қолар. И-и, ана, Хизрни йўқласак бўларкан.

Малласоч эркак ва аёл машинага яқинлашиб келишарди. Эркак ҳайдовчи томонга энгашиб, ажнабий тилда нимадир деб бидирлади. Ҳақбердига бир пайтлар мактабда чет тилидан сабоқ бергани асқотди:

— Йэс, йэс, — деб жавоб қайтарди бурролик билан.

— О кэй, сит даун, плиз!

Эр-хотин сиқилишиб, Икромнинг ёнидан жой олишди.

— Тўрингга каттагина балиқ тушди, омадинг бор экан, — деди Икром ошнасининг елкасидан туртиб. — Оғзингга сиққанини сўрайвер бу маллавоёлардан.

«Тушуниб қолишади» дегандек, Ҳақберди кўзгу оша қовоғини уйиб қаради. Кейин эса ажнабий йўловчиларга юзланди.

— Ю эйр фром Ю-эс-эй?

— Йэс, май фрэнд, — деди эркак кулимсираб, кейин хотинига ўгирилиб, алланималарни бижирлашга тушди.

Машина қўзғалди.

— Америкалик эканми? — сўради инглизчага сал-пал тиши ўтадиган Жалил. — Шундоқ ватанларини ташлаб, биз томонларда нима қилиб юришибди?

— Тамаки заводида ишлашса керак, — деди йўлдан кўз узмай кетаётган Ҳақберди. — Туман марказига кираверишда беш-олтита коттеж уйлар қуриб олишган-ку! Буларам ўша ерда туришса керак.

— Ҳа, бу энағарлар қандай яшашни билишади, — деди Икром оғзини кафти билан беркитиб эснаркан. — Бир кило тамакини бир қути сигаретнинг пулига сотиб олишади. Кейин ундан элик қути сигарет ясаб, яна ўзимизга пуллашади. Бунақада коттежда эмас, қасрда яшасаям ажабланмаслик керак.

— Жим юргин, — жеркиб берди Ҳақберди. — Уддасидан чиқибдими, отасига раҳмат. Қўлингдан келса, ўзинг қил шу ишни.

— Ҳа, нега буларнинг ёнини олиб қолдинг?

Икки шериги арзимаган нарсанинг устида қизиша бошлаганини кўриб, Жалил дарров мавзунни бурди:

— Э, қўйларинг шу машмашаларингни! Ҳақберди ошна, бобойнинг мазалари йўқроқ деб эшитувдим, тузукмилар?

Ҳақбердининг юзи бироз тундлашди.

— Ошқозонларини операция қилиш керак экан. Шаҳарга опкелувдим, катта дўхтир шунақа деди.

— Пулнинг шўри-да бу дўхтир дегани, — орқадан гап ташлади Икром. — Уч-юз, тўрт юз сўрагандир?

— Икки юз эллик минг сўраяпти, — деди гап оҳангин ўзгартирмай Ҳақберди. — Ундан-бундан қилиб икки юзтага яқин пул топдим. Бир-икки кунда яна эллик мингча пул топмасам бўлмайди. Сенларда бўлса, бериб турларинг, бирон ойда қайтараман.

— Жа одамидан сўрадинг-да, — деди Жалил ён ойнани тушириб филтрасиз сигаретини ўт олдираркан. Ҳозир чўнтак қуруқ. Ойликкача ҳали ўн кунча вақт бор.

— Менда ҳам пул бор эди, кеча чоршанба куни уйга битта танача обкеддим. Бир-икки кун аввалроқ сўрамайсанми? — дея гап ташлаб қўйди Икром ҳам.

— Фам ема, ошна, эллик минг одамнинг жони бўптими? Бир йўлини қилармиз.

Шундан кейин туман марказигача жим кетишди. Ажнабий йўловчилар манзилга етишгач, эркаги йўлкира нархини сўради.

— Ван саузинг эйч хандрид, — деди Ҳақберди ойнадан кўз узмай, кейин малласоч эркакдан олган иккита мингталиқни муаллақ тутганча, ғаладонни очиб, майда қидиришга тушди. — Аксига олиб, майда ҳам қолмабди. Икки юз бериб турларинг.

Жалил машина ойнасидан қайтимимни кутиб мўлтираб турган малласочга иккита юзталиқ узатаркан, ошнасини жеркиб берди.

— Ўзбекнинг соддасисан-да, индамай, эллик долларини шилмайсанми? Пул камми бу маллавоёларда.

Ҳақберди яна машинасини юргизаркан, мийиғида илжайди.

— Булардан пул шилиб бўладими? Нарх-навони сену мендан яхши билади булар. Кўпини кўрганман-да бунақа ажнабийларнинг.

— Майли-ю, — Икром тамшанганча бояги икковлон кетган тарафга қараб қўйди, кейин негадир икки шериги томонга энгашиб, шивирлади: — Ўзимизнинг гапу, лекин, хотини жа қизиқ нарса экан-да! Ёнгинамда ўтириб келди. Қўлим бир-икки сонигаям тегиб кетди. Олов-а, олов!

— Эри сезиб қолса, нақ кунингни кўрсатарди.

— Бе, буларда рашк нима қилсин?

Гап-гап билан Икромнинг уйига ҳам етиб келишди. Машина тўхтаган чоғида Икром чўнтагини кавлаштира бошлади.

— Тушавер, бирор куни бир-икки бокал пиво олиб берарсан.

— Ҳозир олиб берсаям ёмон бўлмасди, — дея Ҳақбердига кўз қисди Жалил. — Нормат гарангнинг пивохонаси бир-иккигача очиқ бўлади.

— Ие, манави нима? — Икром тушаётиб, қўлига илинган эркакларнинг ихчамгина сумкачасини салондаги қизғиш чироқ нурига тутди.

— Бояги америкаликники қолиб кетибди-ку, — деди Ҳақберди сумкачанинг у ер-бу ерини айлантириб кўраркан. — Ҳозир йўқотиб қўйганидан фиғони фалакка чиқиб ўтиргандир.

— Оч-чи, ичида нима бор экан.

Ҳақбердининг ўзи ҳам шунга қизиқиб турганди. Тўртта инглизча ҳужжат, бир-иккита фотосурат, бир даста ташриф қоғози ва бир минг тўрт юз доллар пул чиқди.

— Вой бў-ў-ўй, — пулга қараб, Икромнинг оғзи очилиб қолди. — Боя элик минг сўм деб сиқилаётган эдинг. Мана, Худо йўқ жойдан етказиб турибди. Нақд бир минг тўрт юз доллар-а!

— Қайтариб бериш керак, — деди бирпас хаёлчан туриб қолган Ҳақберди. — Бировнинг ҳақини еб нима қиламан.

— Э, қизиқмисан, бир минг тўрт юз улар учун нима деган гап? Дунёни кемириб ётибди-ку булар. Бизникиларнинг қора меҳнати орқасидан итининг ҳам туваги тилладан бўп кетган. Берма!

Жалил ҳам бироз ўйлаб туриб кескин бош чайқади.

— Йўқ, қайтариб бериш керак. Сумкасида ҳужжатлариям бор экан. Бу ажнабийлар ёмон. Эртага бутун вилоятни оёққа турғазишдан ҳам тоймайди. Ҳақини бировга егизиб қўймайди.

— Гап ундасан, — деди сумкачага маъносиз тикилиб Ҳақберди. — Америкаликми, немисми, французми, ҳаммасиям Худонинг бандаси. Мусофирчиликда юрибди.



Нима қиламан ҳақини еб? Худо ҳалолидан берсин.

— Энди уларни қаердан топасан? — сўради Икром барибир бўш келмай. — Йўл бўйида ўнтача коттеж бор. Биттама-битта суриштириб юрасанми?

— Мана, визиткаси бор экан-ку! — у бир парчагина қоғозни чироқ нурида тутиб кўрди. — Жек Стивенс. Еттинчи коттежда тураркан. Бугуноқ қайтариб бермасам уйқум келмайди.

— Обориб берсанг, суюнчисига иккита юзталиқни тутқазиб юборади ўзи, — деди Жалил ошнасига тегишиб.

— Уч юз берсаям ҳақи кетмайди. Бошқа одам бўлганида ҳаммасини чўнтагига урган бўларди, — бу гапни Икром айтди.

— Э, юз доллар берсин, жон дердим. Эллигини майдалаб, сенларга шоҳона зиёфат берардим. Операцияга шундан қолгани ҳам етади, — деди яна рулга ўтираётган Ҳақберди.

— Унда, ҳайда машинангни, — дея Икром яна қайтиб, жойига ўтирди. — Бунақа хайрли ишни орқага сурмаслик керак. Ўзи «яримта»нинг хумори тутиб турувди.

Унинг бу қилиғи икки ҳамроҳини ажаблантирмади. Тўғриси, бир жойда дилдан яйраб ўтириш, икки сихдан кабоб чайнаб, яримтани майдалаш кимга ёқмайди? Боягина Нормат гарангнинг пивохонасини орзу қилиб турган ҳамроҳлар ҳалитдан «Шаршара» кафесида улфатчилик қилишга келишиб ҳам олишди.

— Амиркон жўрамиз бу одамгарчилигингга тасаннолар айтса керак, — деди Икром.

— Ўзбекнинг кўзи тўқлигини билиб қўйсин-да булар, — дея луқма ташлади Жалил.

Кўз очиб юмгунча ажнабийлар маҳалласига ҳам етиб келишди.

— Сенлар ўтириб турларинг, — дея машинасини йўл четида тўхтатди Ҳақберди. — Ҳозир ўзим бориб келаман, — шундай дея, бир текисда саф тортган оврўпоча иморат тарафга йўл олди.

— Шу оғайнимизга қойил қоламан, — деди лабига яна битта сигарет қистириб ўт олдираётган Жалил. —

Кристал даражада ҳалол йигит.

— Шунинг учунам бири икки бўлмайди-да, — унинг фикрини изоҳлаган бўлди Икром.

— Қанча бераркин? Қўли очиқ одамларга ўхшамайди-да!

— Ўлдими, шунча пулини ярим йўлдан қайтариб эгасига етказса-ю, қуруқ қайтарса! Камида битта юзталиқни қистиради.

Орадан чорак соат ўтмай, Ҳақберди қайтиб келиб машинасига ўтирди.

— Бир нима беришдими? — сабри чидамай сўради Икром.

Ҳақберди «ҳа» деганча бош ирғади.

— Қанча?

— Юз-да!

— Ўзинг айтганинг бўпти-да! Йўқ жойдан юз доллар топдинг, буям ёмон эмас. Қани, ваъдага вафо қилиб, «Шаршара»га ҳайда-чи!

— Пулни қаерда майдалаймиз? Илҳом долларчининг уйига борамизми? — сўради Жалил.

— Пул ёнимда етарли, — деди машини бир текисда ҳайдаб бораётган Ҳақберди. — Бурунларингдан чиққунча ароқ олиб бераман. Фақат ўзим ичмайман. Рудаман.

— Э, барака топ. Ўзинг ичмасанг ҳам майли. Бизни суғорсанг бўлгани.

Ярим кеча бўлса-да, ресторанда одам гавжум эди. Четроқдаги бўш столни банд қилишгач, Ҳақберди официантни чақириб, буюртма бера бошлади.

— Биринчига учта яримта лағмон, иккинчига... зўр бир кило табака етадимми? Яхши, битта ароқ, қолганини кейин айтаммиз...

Иккинчи шиша бўшаб, ошналар товук оёқларини гажий бошлаган пайтда, Ҳақберди официантни чақириб, олти сих кабоб, яна битта ароқ келтиришни буюрди.

— Бас, энди, ҳиқ... бизни бўктириб ўлдирмоқчимисан? — деди кайфи оша бошлаган Жалил.

— Амиркон ошнанг камида икки юз доллар бериб жўнатдимми, дейман? — қўлини нам сочиққа артиб бўлдиради Икром. — Ҳимматинг ошиб кетяпти.



Bu tanishuv parchasidir. Asarning to'liq versiyasi  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1550> saytida.

Бу танишув парчасидир. Асарнинг тўлиқ версияси  
<https://kitobxon.com/uz/asar/1550> сайтида.

Это был ознакомительный отрывок. Полную версию  
можно найти на сайте  
<https://kitobxon.com/ru/asar/1550>